
МАРҒИЛОН ШАҲРИДА ЯНГИ МАҲАЛЛА БИНОСИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров, бугун Марғилон шаҳридаги ўрганишлар давомида “Истиқлол” маҳалла фуқаролар йиғини биносини фойдаланишга топшириш тадбирида иштирок этди.

Давлат-хусусий шериклик асосида тадбиркор Аюбхон Қосимов томонидан қуриб битказилган 5 қаватли турар-жой биносининг майдони 115 кв.м. бўлган биринчи қавати маҳалла фуқаролар йиғини учун ажратиб берилди. Қолган тўртта юқори қаватда 9 та хонадон мавжуд.

Маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биносида ходимлар ва маҳалла аҳолиси учун барча зарур шароит ва қулайликлар яратилган. Хоналар замонавий мебель жиҳозлари билан таъминланган.

Вилоят раҳбари бу ерда маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчиси билан аҳоли ҳаётини яхшилаш бўйича асосий йўналиш ва вазифалар масаласида мулоқот қилди. Маҳалла биноси ҳудуди ёнида жойлашган боғда биргаликда кўчат ўтқазилди.

Хайрулло Бозоров шунингдек, ёндош Навбаҳор МФЙ ҳудудида маънан эскирган икки қаватли турар-жой биноларини бузиб, ўрнига замонавий 7 қаватли турар-жойлар қуриш лойиҳаси билан танишди. Бу жараёнда эски уйларда истиқомат қилаётган аҳоли билан розилигини таъминлаш асосий масала эканига эътибор қаратган вилоят раҳбари, хонадон эгаларига майдони эски уйларида кам бўлмаслиги шarti билан янги қуриладиган бинолардан хонадон ажратилиш зарурлигини таъкидлади ва бу борада шаҳар мутасаддиларига вазифа юкледи.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-11-17 22:45:59